

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Бобур Сойибжонович Мирзаев

ЎЗМУ “Эконометрика ва иқтисодий моделлаштириш” кафедраси таянч

докторанти

bmirzaev90@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Суғурта тизими мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Суғурта тадбиркорликнинг фаол ривожланишини рағбатлантиради, инвестицияларни жалб қилишни яхшилайдди, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, мамлакатимизда суғурта хизматларини шакиллантириш, замонавий суғурта турларини жорий этиш, сифатли суғурта фаолиятини ташкил этишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: Суғурта бозори, суғурта мукофоти, инвестиция, риск, капитал.

ABSTRACT

The insurance system plays an important role in the socio-economic life of our country. Insurance stimulates the active development of entrepreneurship, improves investment attraction, plays a special role in the social protection of the population. Therefore, a number of measures are being taken in our country to form insurance services, introduce modern types of insurance, and organize quality insurance activities.

Keywords: Insurance market, insurance premium, investment, risk, capital.

КИРИШ

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш ва бозор иштирокчилари фаолиятини кенгайтириш шунингдек суғурта компанияларида инновацион хизмат турларини жорий этиш ва компанияларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий хизматларининг ҳажини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлари ва

аҳолини эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш” стратегик вазифалардан бири этиб белгиланди.

Дарҳақиқат мамлакат ҳудудларида суғурта хизматларини такомиллаштириш ва ҳудудий суғурта бозорини ривожлантириш молия тизими олдига қўйилган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Нафақат мамлакатимиз балки ҳорижий мамлактларнинг еттакчи иқтисодий олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишларда ҳам суғуртанинг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрни ва аҳамияти борасида кўплаб фикрлар билдириб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хитойлик олимлар Л. Хан, Д. Ли ва бошқалар томонидан 1994-2005 йиллар бўлган давр ва 77 та мамлакатни қамраб олган ҳолда GMM моделидан фойдаланиб олиб борилган тадқиқотда суғурта бозори ривожланиши ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Тадқиқотда мамлакатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлиб ўрганилган. Ривожланаётган мамлакатлар учун суғурта бозори жумладан, ҳаёт суғуртаси ривожланишининг аҳамияти ривожланган мамлакатларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган[1].

Бошқа олимлар Ч. Юан ва Ю. Жианг томонидан олиб борилган тадқиқотда жаҳондаги энг йирик ривожланаётган мамлакати бўлган Хитойда суғурта соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва сўнгги йиллар мобайнида суғуртага бўлган талабнинг ошиши натижасида суғурта бозорини жадал ривожлантиришга эришилгани таъкидланган. Улар томонидан 2000-2012 йил ҳудудлар кесимидаги маълумотлар асосида умумий суғурта ва ҳаёт суғуртасига бўлган талабга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотчилар томонидан томонидан эмпирик таҳлиллар натижасида суғурта тизимида давлат иштирокини камайтириш, хусусийлаштириш, аҳоли даромадлари даражаси, суғурта бозори ривожланишига таъсир этувчи умумий омиллардан ҳисобланиб, ижтимоий суғурта, фарзандларнинг ота- онасига ва кекса ёшдаги аҳолининг фарзандларига қарамлик даражаси ҳаёт суғуртаси ривожланишига, инфляция даражаси эса бошқа суғурта хизматлари ривожланишига таъсир кўрсатиши аниқланган. Шунингдек ушбу тадқиқотда суғуртанинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар мамлакатнинг ҳудудларида турли хил даражада таъсир кўрсатиши аниқланган[2].

Шунингдек Руминиялик олим С. Драгос Осиё ва Европада жойлашган 17 давлатнинг 10 йиллик маълумотларини таҳлил қилиш асосида урбанизация, аҳоли даромадлари ва уларни тақсимлаш, шунингдек аҳолининг саводхонлик даражаси суғурта сектори ривожланишида аҳамиятли омиллардан ҳисобланади деган фикрга келган. Унинг фикрича, урбанизация даражаси ҳаёт суғуртаси ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Шунингдек, ҳар иккала ҳудуд учун аҳоли саводхонлик даражаси ҳаёт суғуртасидан ташқари суғурта ривожланишига таъсир ўтказиши, даромад даражаси эса Осиё минтақасида ҳаёт суғуртасидан ташқари суғуртанинг ривожланишида аҳамияти юқори эмаслиги аниқланган[3].

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки бугунги кунда нафақат шаҳарда балки мамлакатнинг четка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари суғурта хизматларига эҳтиёж сезганида, ушбу хизматлардан эркин фойдалана олиши лозим. Бунда ҳудудларда суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштириш ва ҳудудий хизматлар бозорини ривожлантириш керак.


НАТИЖАЛАР

Ҳудудларда суғурта компанияларини ривожлантиришда уларнинг ҳозирги молиявий ҳолати суғурта компанияларининг рақобатбардошлиги ва молиявий барқарорлигини оширишни талаб этади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири суғурта ташкилотларининг молиявий салоҳиятини самарали бошқариш ҳисобланади, бунда;

- суғурта ташкилотининг ички захираларини аниқлаш;
- суғурта ташкилотининг молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш;

Мамлакатимизда ҳудудий суғурта бозорини ривожлантириш ва тез суратда ўсиши учун давлатимиз томонидан кўплаб шароитлар яратилмоқда. Тўпланган бадаллар, тўлов коэффициентлари ўсиши кузатилмоқда, ҳудудларда суғурталаш кенгайиб бормоқда ва ҳудудий суғурта хизматлари бозорида суғурталанувчилар сони ортмоқда. Ҳудудларда тўпланган суғурта мукофотларининг ЯХМдаги улушихам йилдан йилга ортиб бормоқда.

2016 йилда суғурта бозорида умумий суғурта мукофоти 34,3 фоизга ошиб, 692,6 млрд. сўмни ташкил этди. Тошкент шаҳрида тўпланган суғурта мукофотларининг 2015 йилга нисбатан умумий мукофотлардаги улуши 3,2 фоиз пунктига камайган. Жиззах ва Сурхандарё вилоятларида 2016 йилда тўпланган суғурта мукофотлари 63,8 фоизга ўсган. Бошқа вилоятларда эса 40фоиздан 60 фоизгача ўсиш кузатилган



1-расм. 2015-2016 йилларда ҳудудларда тўпланган суғурта мукофотлари, млрд.сўм.

Ҳудудларда суғурта мукофотларининг 2015 йилга нисбатан 2016 йилда ўсиши, суғурта компанияларининг ҳудудий филиалларини фаолияти такомиллаштирилиши натижасида ҳудудларда суғурта хизматларига бўлган талабни ошганини билдиради.

Лекин шунга қарамай ҳудудий суғурта бозорини ривожлантиришда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар;

– Ҳудудларда фаолият юритаётган суғурта бўлинмаларини асосий қисми вилоят марказларида жойлашгани, ҳудуднинг чека қисмида жойлашган туманлардаги аҳоли суғурта хизматларидан фойдалана олиш имкони мавжуд эмаслиги;

– Худудларда суғурта инфратузилмасини яхши ривожланмаганлиги яъни вилоятда содир бўлган бахтсиз ходисани зарарини баҳолашда Тошкент шаҳридаги бош оффисдан мутахасисларни жалб этиш;

– Эркин иқтисодий худудларда ташкил этилган йирик ишлаб чиқариш объектлари суғурта компанияларнинг бош оффисларида суғурта қилиниши каби муаммолар мавжудир.

Юқорида келтирилган муаммоларни ижобий ҳал этиш, худудий суғурта бозорини ривожлантириш ва суғуртачилар фаолиятини такомиллаштиришда бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, улар иқтисодий, ижтимоий, технологик омиллардир.

Худудий суғурта бозорини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар

1-жадвал

Иқтисодий омиллар	1. Аҳоли даромадларининг ўсиши. 2. Худудларда ишлабчиқариш объектларини ташкил этилиши. 3. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги.
Ижтимоий омиллар	1. Худудларда истиқомат қилувчи аҳоли сони. 2. Худудий суғурта компаниялари ва молия институтларига аҳоли ишончи. 3. Худудларда суғурта хизматларига бўлган талабнинг юқорилиги. 4. Аҳоли даромадлари ва харажатлари.
Технологик омиллар	1. Онлайн суғурта хизматларини ривожлантириш. 2. Суғурта полисларини онлайн сотиш тизимини жорий этилиши. 3. Суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда суғурта компанияларини замонавий технологиялар билан таъминлаш.

Юқорида келтириб ўтилган иқтисодий- ижтимоий омиллар худудий суғурта бозорини ривожлантиришда асосий омилларидан бири хисобланиб, у худуд аҳолисини бугунги кундаги яшаш шароити, харид қобилияти, бозорга бўлган талабини билдиради. Ялпи худудий маҳсулот эса мамлакат иқтисодий

кўрсаткичларидаги улуши ҳудуднинг иқтисодий ҳолатидан дарак беради (2-жадвал).

Мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилган ислохотларни амалга оширилиши натижасида мамлакат ЯИМ 2016 йилда 199 325,1 млрд.сўмни ташкил этиб, 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 3,5 баробарга ўсган. Бу эса мамлакат иқтисодиётини ривожланаётганлигидан дарак беради.

Ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестициялар 2005 йилда 15923,4 млрд.сўмни 2016 йилда 171 808,3 млрд.сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 10,5 баробарга ўсган. Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар 2005 йилда 3165,2 млн сўмни 2016 йилда 698,0 млрд. сўмни ташкил этган. Ҳудудлар бўйича жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг энг юқориси Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри хиссасига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда ҳудудий суғурта бозорини ривожлантиришда авваламбор ҳуқуқий норматив асосларни такомиллаштириш яъни давлат томонидан суғурталанувчиларни ҳуқуқларини химоялаш ва кафолатлаш суғурталанувчиларда суғуртага нисбатан ишонч уйғатади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳудудларга хориж инвестицияларини кенг жалб этиш, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ушба лойиҳаларни рискларини суғурталашда ҳудудий суғурта компанияларини ташкил этиш лозимдир. Бунда инвестицион лойиҳа рисклари ҳудудий суғурта компаниялари томонидан суғурталанади. Бу эса ҳудудий суғурта компаниялари миқдорлари суғурта хизматларидан ҳудуднинг ўзида фойдалана олиш имконини берса, ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан таъминланишига замин яратади. Бунда ҳудудий суғурта компаниялари олдидаги вазифа ҳудудий миқдорларни сонини ортишида янги инновацион хизмат турларини жорий этиш ва бахтсиз ходиса юз берганда миқдорларга суғурта бадалини ўз вақтида тўлаши лозим.

Эркин иқтисодий ҳудудлардаги ишлаб чиқариш объектларида фаолият юритаётган ишчи ходимларни меҳнат фаолияти давомида содир бўладиган бахтсиз ходисадан суғурталаш механизминини жорий этиш лозим. Бунда суғурталанувчи соғлиғини таклашда суғурта компаниялари томонидан

молиявий кўллаб қувватланиши керак. Юқорида келтириб ўтилган таклифларни амалиётга жорий этилиши худудий суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштирилишига олиб келса, суғурталанувчиларга суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

REFERENCES

1. Han L., Li D., Moshirian F. and Tian Y. (2010). Insurance Development and Economic Growth. The Geneva Papers on Risk and Insurance. Issues and Practice Vol. 35, No. 2, pp. 183-199
2. Yuan Ch., Jiang Y. (2015). Factors affecting the demand for insurance in China. Applied Economics Volume 47, Issue 45
3. Dragos S. (2014). Life and non-life insurance demand: the different effects of influence factors in emerging countries from Europe and Asia. Economic Research. Volume 27, Issue 1
4. Базанов А.Н., Белинская Л.В., Власов П.А. и др. (2009). Страхование: учебник / под.ред. Г.В. Черновой. – М.: Проспект, 432 с.
5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование (2013). Учебник для вузов. – СПб.:Питер, 256 с.
6. Балабанов И.Т. (1996). Риск-менеджмент. – М.: Финансы и статистика. 92 с.
7. Бакиров А.Ф. (2007). Формирование и развитие рынка страховых услуг: Монография. – М.: Финансы и статистика, 304 с.
8. Баутов А.Н. (2009). Комплексный показатель эффективности антикризисного управления страховой организацией и критерии его оценки // Страховое дело. – М., №7. – С. 10-12.
9. Беллман Р., Заде Л. (1976). Принятие решений в расплывчатых условиях // В кн.: Вопросы анализа и процедуры принятия решений. – М.: Мир.
10. Блинков А., Киселев А. Анатомия катаклизма: Бифуркация на все случаи жизни // http://dere.kiev.ua/library/blinkov/anat_kata_0.shtml